

СОЯ ЎСИМЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ҚарМИИ қ.х.ф.н, доцент. Панжиев Азамат Панжиевич.,

ҚарМИИ асс. Қаршиев Алишер Эшмаматович

Қишлоқ хўжалик ходимлари олдида турган бош масала- аҳолини тўйимли, экологик тоза озиқ-овқат, чорва ва парандачиликни ем-хашак ҳамда саноатни сифатли хом-ашё билан тўла-тўқис таъминлаш.

Бунинг учун тўйимлилиги юқори, яъни оқсилга, углеводларга, мойга, витамин ва минериал моддаларга бой ўсимликларни етиштиришни тақоза этади. Шундай сермахсул экинлардан бири соя ўсимлигидир.

Соя, қимматбаҳо озиқ-овқат, ем-хашак ва техник мақсадларда кенг ишлатиладиган ўсимлик.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда соя ўсимлигидан ва донини қайта ишлаш натижадасида 200 хилдан ортиқ ҳар-хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси эътиборлики соя дони ҳам оқсилга (35-48%), ҳам мойга (20-22%) бой. Бирорта бир ўсимлик соядик, шундай юқори ва муҳим органик моддаларга эга эмас.

Инсон организими учун энг зарур модда бу оқсилдир. Соя оқсили ва унинг қиммати энг аввало ундаги оқсилнинг сифатлилиги ва экологик тозаллиги, тез ҳазм бўлиши ва алмашинмайдиган аминокислоталарнинг миқдорининг кўплигидадир.

Бундан ташқари, сояни кўк массаси, пичани, дони йиғиб олингандан сўнг қоладиган қуруқ пояси ва кўк массаси, пичанининг уни, кунжараси ҳамда соя унидан тайёрланган сут барча турдаги чорва молларини паррандаларни боқишда тўйимли озиқа сифатида ишлатилади (1-жадвал).

Соя озиқаларининг кимёвий таркиби ва озиқа бирлиги

Озиқа турлари	Кимёвий таркиби (фоиз)					100 кг озиқада /кг/	
	Протеин	Мой	Клечатка	АЭМ	Кул	Хазим бўлади -ган оқсил	Озиқа бирлиг и
Кўк масса	4,5	1,0	6,12	11,0	2,4	2,6	20,5
Пичан	13,9	2,4	21,9	35,8	9,0	7,0	51,0
Курук пояси (дони олинган)	5,7	2,0	38,7	34,4	4,2	2,3	32,3

Бу қимматбаҳо ўсимликни етиштириш технологиясини ўзлаштришни Косон туманидаги «Ерқурғон» МЧЖ худудида тажриба олиб бориш билан давом эттирдик.

Тажриба олиб борган тупроқдаги асосий элементларнинг миқдорини аниқладик. Тупроқнинг юза қатламида (0-20 см) гумус миқдори 1,02%, нитратли азот миқдори 13,8 мг/кг, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори 23,8; 227,4 мг/кг. Ўрта қатламда (20-40см) бу кўрсаткичлар қуйидагича. гумус 0,9 %, N0з- 9,3 мг/кг, ҳаракатчан фосфор ва калий миқдори - 9,3 мг/кг борлиги аниқланди. Ернинг хайдалма қатламида шунча миқдорда гумус ва минериал моддалар булса, бундай тупроқларни ўртача ҳосилдор дейиш мумкин.

Тажрибани Республикамизда районлаштирилган сояни "Ўзбек-6" ва Украинадан келтирилган "Валюта" навларида ўтказдик. Бу навлар биологик жиҳатидан эрта пишар (Валюта) ва кечпишар (Ўзбек-6) навларига мансуб.

Тажрибада ўсимликларни қулай экиш вақтини, услубини ва меъёрини илгари олиб борган тажрибаларимиздаги агротехник тавсияларга таяниб ўтказдик.

Тажриба ўтказадиган ерни кузда жорий текислаб, шудгор олдидан ҳар гектар ерга 10 тоннадан гунг ва режалаштирилган фосфорли ўғитнинг 70%, калийли ўғитни 100% ерга солиб, тупрокни 30-32 см чуқурликда шудгорладик.

Эрта баҳорда экиш олдидан, ерни суғориб, етилгандан сўнг тупрокни бороналаб, молалаб экишга тайёрладик. 14 апрелда соя навларини кенг қаторлаб қатор ораси 60 см кенгликда СПЧ-6 м русумли сеялка билан экдик. Экиш меъёри гектарига "Ўзбек-6" навида 70 кг., "Валюта" навида эса 63 кг.ни ташкил этди. Бу унвчан уруғ ҳисобида 500 минг донани ташкил этди. Экиш услуби пунктрлаб, ҳар бир погонometrда 30 дон уруғ ҳисобида 5-6 см чуқурликда экдик. Мавсум давомида минерал ўғитларни режалаштирилган ($N_{40}P_{90}K_{45}$) меъёрида озиқлантирдик.

Ўсимликлар тўлиқ униб чиққанда, бир гектар ердаги, амалдаги ўсимликлар туп сони қалинлигини аниқладик. Бу "Ўзбек-6" навида 459 минг/га "Валюта" навида 454 минг/га ўсимликни ташкил этди. Унвчанлик даражаси 91% бўлди.

Юқорида қайд қилинган туп сони қалинликларида битта ўсимликни озиқланиш майдони "Ўзбек-6" навида 218 см² ни, "Валюта" навида эса 221,7 см² бўлди. Сояни 14 апрелда экган бўлсак 22-24 апрелда тулиқ униб чикди. Тўлиқ униб чиққандан сўнг 10-11 кун ўткач уч қушалоқ мураккаб барг ҳосил қилди.

"Ўзбек-6" нави 4 июндан, эртапишар "Валюта" нави эса 23 майда, яъни "Ўзбек-6" навидан 12-13 кун олдин гуллади. Кейинги дуккак ҳосил қилиш ва пишиш фазасида ҳам бу тафовутлар яққол намоён бўлди.

"Валюта" навида гуллашдан то пишишга қадар 76 кун ўтган бўлса, "Ўзбек-6" навида бу курсатгич 98 кун бўлди. Демак, "Ўзбек-6" нави "Валюта" навига нисбатан 25-26 кун кеч пишиб етилди. Шунга кўра навларнинг морфологик кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада ажралиб турди. "Ўзбек-6" нави

бўйининг баландлиги 162 см бўлган бўлса, "Валюта" навиники 80 см.га етди. Барглар сони "Ўзбек-6" да 36 та бўлган бўлса эрта пишар "Валюта"да 17 дона бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Соёнинг морфологик курсаткичлари

Навлар	Ўсимликлар буйининг баландлиги (см)	Барглар	Ён шохлар	Асосий поядаги буғинлар	Пастки поядаги дуккаклар -нинг жойлаши ши (см)
		С о н и (д о н а)			
"Ўзбек-6"	162	36	4	22	18
"Валюта"	80	17	3	17	5

Бу морфологик хусусиятлар соёни ҳосил кўрсаткичларига ва ҳосилдорлигига катта таъсир қилди. Масалан: "Ўзбек-6" навининг битта ўсимлигида ўртача 38 дона дуккак (мева) ва битта дуккакда 2,3 дона дон бўлган бўлса бу кўрсаткич "Валюта" навида 2,4 донани ташкил этди. Навлардаги 1000 дона уруғларнинг оғирлиги "Ўзбек-6" навида 145 гр, бўлган бўлса, валюта навида эса 116 гр.ни ташкил этди. (жадвал-3)

3-жадвал

Соё навларининг ҳосил курсаткичлари ва олинган ҳосил

Навлар	Ўсимликлар даги дуккаклар	Битта дуккакда- ги уруғлар	Битта ўсимликда- ги уруғлар	1000 дона уруғ	Ҳосил- дорлик ц/га
		С о н и (д о н а)		О г и р л и г и (г р)	
"Ўзбек-6"	58	2,2	17,8	145	31,3
"Валюта"	30	2,3	8,3	116	24,1

Тажрибадаги “Ўзбек-6” навининг битта усимлигида 58 дона дуккак ва битта дуккакда уртача 2,2 дона дон бўлди. Бу курсаткич “Валюта” навида 30 ва 2,3 донани ташкил қилди.

Натижада вилоятимизнинг оч тусли бўз тупроқли ерларида соянинг ҳар гектаридан Ўзбек-6" навидан 31,3 ц ва "Валюта" навидан 24,1 центнер ҳосил олдик.

Олиб борилган тажрибаларда аниқланганидек Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқли ерларида, соя етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам анча юқори бўлди.

Соядан Республикамиз ва вилоятимиз шароитида юқори ҳосил олинаётгани учун, алмашлаб экиш системасига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки тупроқ унумдорлигини оширади ва агробиологик ҳолатини яхшилайдди.